

"Чирчиқ" технопаркига Хитойнинг ZWELEC корпорацияси вакиллари ташриф буюрди

// 25 avgust 2026 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/chirchiq-tehnoparkiga-hitoyning-zwelec-korporaciyasi-vakilla>



"Чирчиқ" технопаркига автомобиллар учун сақлагич блокларни, релелар ва электрон модуллари ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ҳамда сотишга ихтисослашган Хитойнинг етакчи корхонаси - Zhejiang Zhiwei Electronic Technology Co., Ltd. (ZWELEC бренди) вакиллари ташриф буюрди.



Ташрифдан кўзланган асосий мақсад - "Чирчиқ" ва "Жиззах" технопаркларининг инвестициявий салоҳиятини ўрганишдан иборат бўлди. Ташриф давомида технопарк раҳбарияти ва мутахассислари Хитой делегацияси учун кенгайтирилган тақдимот ўтказди. Унда ишлаб чиқариш майдонларининг техник хусусиятлари ва инфратузилмавий имкониятлари, шунингдек, технопарк резидентлари учун тақдим этиладиган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳақида батафсил маълумот берилди.



@chempark | www.chemparks.uz

Мазкур ташриф хорижий инвесторларнинг "Чирчиқ" ва "Жиззах" технопарklarининг саноат ва инвестициявий салоҳиятига бўлган қизиқиши ортиб бораётганининг навбатдаги далили ҳисобланади.